



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 22 феврал сешанба Сотувда эркин нархда № 37 (2334)

КУН ТАРТИБИДА:

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

Нукусда Қорақалпоғистон Республикасининг 1999 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда мамлакатимиз Президент Исрол Каримовнинг Олий Мажлиси биринчи сессиясида ва Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сузлаган маърузалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикасида ислохотларни чуқурлаштиришда бир қатор ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди. Жумладан, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,5 фоиз ортди. 1998 йилга нисбатан пахта сотиш 40 минг тонна, шолга тайёрлаш 43 минг тонна кўпайди. Қурилиш мажмуида 32 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоққа янги техно-

логиялар келтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, қимматли қўроғларни сотиш, мулкдорлар сифинини шакллантириш, кредит ажратиш ҳамда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида қилгиларга тўсиқ ва муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилди. Базини ҳиссалорлик жамиятлари, ширкат бўлиқларида да мулк шакли номинатига ўзгарган бўлиб, қутилган самарга эришилмапти. 67 та ширкат бўлиқдан 40 таси йилни зарар билан яқунлаган.

Семинарда ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштиришнинг изчиллик билан амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Уринбосари — Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ҳ.Исмомов сузга чиқди.

**А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА мухбири.**

## МЕН МУЛҚ ДОРМАН!

— дея бугун гурурга тўлиб айтишга ким ҳақли?

**«Бизнинг баки энг заиф томонимиз шуки, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантира олмадик». Президентимизнинг шу йил 11 феврал куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сузлаган маърузасидан ушбу сузларни ўқиган киши, ишончим комилки, бир аччиқ ҳақиқатни тегин англаб етди: мана, қарийб ўн йилдики, Юртбошимиз ҳар бир чиқишида асосий эътиборни ана шу устувор масалага қаратиб келаяпти, уни мақор-мақор таъкидламоқда, бу гаг эса Президент давлат раҳбари ва Ўзбамчи сифатида ўша энг заиф томонимиз» ҳамон мавжудлигидан юрак-юрагидан ёниб кетди. Нима учун? Шунинг учунки, эгзу муздадог эришиш йўлида тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг бозор муносабатларига хос қудратли, ички омилга айланганини истаиди! Тадбиркорлар, мулк эгалари сифини — мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тоифасини шакллантириш ҳам ҳукуматимиз ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг беш максоди ва вазифасига айланганини хоҳлайди! Нега?**

Авалло, тадбиркор — эркин, ташаббускор ва изланувчан одам. Бу тоифадagi кишилар ҳадеганда давлатнинг ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтиришни ўзлари учун ор деб билдилар. Йўқдан бор қилсалар қилдиларки, борини йўқ қилмадилар, чунки айна шу бор нараса — хусусий мулк-да! Аммо уларнинг тадбиркорлик фаолияти — кичик ва хусусий бизнеснинг аҳамияти беқиссе: ялли ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишига муайян ҳисса қўиши билан бирга, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, жойларда бандлик муаммосини ечишда муҳим манба ҳисобланади. Далилими?

Оқўрғон туманидаги «Акмас» хусусий фирмасининг номи (раҳбари Раҳимжон Умиров) бугунги кунда нафақат Тошкент вилоятида, балки республикамизда ҳам кўпчиликла маълум. «Ташаббус-98» республика кўрик-танловининг голуби бўлган бу фирмада 105 киши меҳнат қилади. Уларнинг кучи билан бир йилда 458,4 тонна пахта ёғи, 2256,1 тонна кунжага, 1764,7 тонна шелу-ка, 96,8 тонна со-рун, 20 тонна мена-сабзавот — жами 87,76 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўринини босувчи товарлар тайёрлаш ҳисобита 2 миллион АКШ долларидан зиёд маблағ тежаб қилинди. Соф фойда 3,6 миллион сўмин ташкил этди. Бюджетга 38,5 миллион сўм туширилди. Хайрия ишларига эса 2,94 миллион сўм сарфланди.

### Эркинлаштириш ҳаётин зарурат

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Хатича» шийли хунармандчилиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хусусий фирмасида Хатича ома Вохидова раҳбарлик қилади. Бўстон кўрғони аҳолиси уни «200 аслинг омаси», дейишади. Сабаби — 74 нафар хотин-қиз корхонанинг ўзида хунармандчилик билан шуғуллашган бўлса, 100 нафардан кўпроқ уй бекаси эса ўз хонадонларида фирманинг буюртмаси асосида касаначилик билан банд. Уттан йилди тадбиркорлар 4 миллион сўмликдан ортиқроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолига ол-кам 2 миллион сўмлик хизмат кўрсатдилар.

Эки бўлмаса, Қувасой шаҳридаги «Имкон» хусусий фирмаси раҳбари Набижон Маҳмудовнинг фаолиятини олиб кўрайлик. Бу саво-ватеша киши ўз маблаг ҳисобига Валик қишлоғида 425 нафар ўқувчига мулкдорларнинг мактаб биносини қуриб берган эди. Ҳозир у гим-назияга айлантирилган. Фирма раҳбари ҳар йили бу мактаб биносини таъмирлаб бериш билан чеklangи қолмасдан, ҳатто четлаб жалб этилган малакали ўқувчиларга мош ҳам тўлаб келаяпти.


Табиий савол туғилади: мамлакатимизда бундай тадбиркорлар сон қўйма ёки оз? Албатта, оз, айтиш мумкинки, ҳозирча оз! Аммо уларнинг сари янада кенгайиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги улуши янада кўпайиши шарт. Бу — давр талаби, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда.

Гап шуки, ривожланган мамлакатларда, хусусан, АКШда саноат маҳсулоты ишлаб чиқаришнинг 48 фоизи, Японияда 51, Францияда 45, ГФРда эса 25 фоизи кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Модомики биз ҳам ана шу давлатлар қаторидан, яъни жаҳон ҳўжаллиги сафидан муносиб ўрин эгаллашга азму ҳарор қилган эканмиз, мўлжални кечадиган бир неча баравар кенроқ олишимиз, бутунги ютуқлар билан чегараланиб қолмай, эртага унинг мўксини салмоғини беш-ўн чанлон оширишимиз лозим эмасми?

Бундай дейишимизга тўла асос бор. Мана бу мисолларга эътибор беринг: ҳозирги кунда республикамизда бўйича бор-йўзи 5,5 минг кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 28 минг 600 микрофирма фаолият кўрсатмоқда. АКШда эса фақат кичик корхоналарнинг ўзи 18 миллиондан ортида, ҳаммаси талаб даражасида ишлайди. Бизда-чи? Мажбур кичик ва ўрта корхоналар улushi бутлур ялли ички маҳсулот ҳажмида 12,6 фоизни, саноат маҳсулотларини умумий ҳажмида 6,2, қурилиш соҳасида 12,3 фоизни ташкил этди. Устага, утган йил кичик ва ўрта бизнес субъектлари сон Қашқадарь вилоятида 6,3 фоиз, Андижонда — 11, Хоразмда — 12, Тошкент шаҳрида 12,6, республикамизда бўйича эса 3,6 фоиз камаяганини қандай изохлаш мумкин? Бу борада бизда барча зарур қонунийлик ва ҳуқуқий замин яратилган бўлса, тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш максодида Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси, «Бизнес-фонд» ва бошқа тузилмалар ташкил этилса-юки, нима учун ишда сезиларли ўзгаришлар кўта ташланмапти? Бунинг туб сабаблари нимада?

Сабаблар кўп, уларнинг субъективлиги ҳам, объективлиги ҳам бор. Мисол учун, қорваңлик фермаларини хусусийлаштириш жараёнини бир эслайлик. Бу тадбир ола-тасир бош-

Пахтачилик республикамиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи ҳисобланади. Шу боис, гўза уруғчилиги катта эътибор бериш, ўзбек пахтасининг дунё бозорига қимматини ошириш кўп ҳижатдан олимларимизнинг пахтачилик борасида олиб бораётган илмий изланишлари



сamarасига боғлиқ. Бу борада республика пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Сурхондарь филиали ҳам фаол иш олиб бормоқда. Шу пайтга ҳалар бу ердаги тадқиқотчи олимлар томонидан ингичка толали пахтанинг кўплаб янги навлари яратилди.

Ҳозир институт олимлари воҳанинг иссиқ иқлимини инноватта олиб кам суз билан етиштирилганда ингичка толали пахта навини яратиш устида қўзғин иш олиб боришапти. Дастлабки натижалар чакки эмас. Улар яратаятган жануб иқлимга мос, касалликка чидамли Термиз-101, Термиз-102,



### ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ ЯНГИ БОСКИЧГА КўТАРИЛАДИ

Термиз-103 янги навлари яқин йиллар ичнда тўлиқ районлаштирилади. Бу навларнинг афзаллиги шуки, ҳозирги гўза навлари 6 ёки 7 марта суғорилганда пишиб етилса, бу навларни янги бир марта суғориш билан 30-40 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Айни пайтда, бу ерда 15 нафар малакали илмий ходимлар янги навлар устида иш олиб боришапти.

СУРАТЛАРДА: республика пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарь филиали илмий ходими Олимжон Хўшқонов ва селекционер Шоқул Номозов янги нав афзалликларига ҳақида суҳбатлашмоқда; лаборатория мудири Ҳилола Чориева пахта тоғларини текширмоқда; лаборант Муҳаббат Акбаралиева селекция лабораториясида.

**Искандор Хўжаев (ЎЗА) олган суратлар.**

## БОЖХОНА ВА ТАДБИРКОР

**Давлат божхона қўмитаси раҳбарларининг тадбиркорлар билан бўлган учрашувида асосий диққат-эътибор Олий Мажлис биринчи сессиясида, Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идораларга мувофиқлаштирувчи кенеш йўғилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида қарилган муҳим масала — жи-миш ҳаётини эркинлаштириш ва ислохотларни яна-да чуқурлаштиришга қаратилади.**

— Мамлакатимиз раҳбарининг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда ишимизни қайтадан қўриб чиқиб, бир неча ўзгаришлар қилишга қарор қилдик, — деди суз олган давлат божхона қўмитаси раиси, божхона қўмитаси генерал майори С. Орипов. — Божхона олдн инфратузилмаларини тузи-ши, тузганда ҳам имкон қадар тадбиркорларга қўмақлашишдан иборат. Декларантлар билан ишлашни янада яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш, масъулиятини кучайтириш, божхона омондорлиги фаолиятини жаҳон андозларига мос равишда яратишимиз лозим. Божхона расийлаштирувлари-

## «ЎЗБЕКИСТОН БУ, ЎЗБЕКИСТОН!»

19-20 феврал кунлари пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнирига ташриф буюрган хорижлик мутахассисларнинг ушбу мусобақа ҳақидаги илк таассуротлари шундай

Раффи МАРТИНЕТТИ, Халқаро ҳаваскорлар кураши ассоциацияси вице-президенти (Швейцария):

— Турнир ҳақидаги фикрларимни кайфиятимнинг юқорилигидан ҳам тушунасангиз бўлади. Биласизми, биз хизмат юзасидан кўп давлатларда бўламиз. Базини жойларда асабийлаштишга тўғри келади. Унинг биринчи сабаби эса ташкилий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилмаганидир. Бутун кайфиятимиз эври, демек ҳаммаси жойида. Мусобақанинг ташкилий томонлари ҳам, унда иштирок қилган спортчи ва ҳакамларнинг ҳам савияси жуда баланд. Ҳатто маҳаллий мусулманларнинг шунга яраша кўлаб-қувватлашлари мени, айниқ-

са, қувонтирди. Ахир, шу томошабинларсиз бундай тадбирларимиз қанчалик зерикарли ўтишини тасаввур қилиб қўринг-а!

Халқингизнинг ўта меҳмондўстлиги, самимийлиги ҳақида кўп эшитганим. Бутун ана шу таърифнинг ҳеч қандай муболағасиз эканлигига аминман. Яна бир таъкидлайдиган томони, мустақилликка эришадиган бери ҳеч қандай вақт ўтмай республиканинг дунёга юз тутиб, бундай нуфузли бешлашуларга мезбон бўла олгани мақтаса арзулуки.

Ўзбекистонга яна келиш истагидаман. Мамлакатингизнинг Усмилар уртасида бўлган навабатдан жаҳон чемпионати мезбонлигида шунга қўлаб-қувватлашлари мени, айниқ-

## ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

«Бухоротеқ», «Бухорос», «Бухорон», «Бухорон» хриссадорлик жамиятлари ва «Муаллиф» босмахонаси меҳнат жамоаларининг 2000 йил 11 март куни умум-халқ байрами Наврўзга бағишлаб

хашар ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси вилоят аҳли томонидан кенг маъқулланди. Вилоят ҳокимининг шу муносабат билан қабул қилган қарорига шаҳар ва туман ҳокимликларига, мулкчилик шакидан қатъий назар барча ташкилотларга, жамоа ва фермер ҳўжаликлари-га, қишлоқ ва маҳалла-ларда, барча аҳоли

истиқомат жойларида, меҳнат ва ўқув жамоалари, кўча ва хибоналарда умум-халқ хашари ташкил этиш ва зўр уюшқоқлик билан ўтказиш топширилади. Ҳашардан тушадиган маблағ халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг махсус хисоб рақамига ўтказилди. Байрам кунлари жамғарма ва маблағ хисобига хайрия тадбирлари ўтказилди, эҳтиёк-манд оилалар, ноғиронлар, боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам кўрсатади.


**Илҳом САФАР, ЎЗА мухбири.**



Чанг Хстен ЧУАН, халқаро тоифадagi ҳакам (Хитой тайпейи):

— Тошкентнинг кўп жойларини қўридик. Мени кечирасиз, пойтахтингизни бу даражада чиройли деб тасаввур қилмагандим. Аммо таърифнинг ҳаммаси жой-жойига қўйди, чунки ўз кўзим билан кўрдим-да. Қайга бормас, ўша бонининг миллий, тарихий, меъморий гўзаллигига қўйил қолдим.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими-ку мени бутунлай сеҳрлаб қўйди. Мафтунон миллий санъатингиз, хусусан, раққосларнинг ром кўсу-си, билмасизми, ҳар қайси мусобақанинг очилишида мезбон давлатнинг маҳориси чалиниб,



байроғи кўтарилди. Бу тадбир ҳамма жойда бир хил ўтарди. Хисаб эса шунга ҳам ўзига сохилар билан ёлдиноиб, барчани хайратга солидлар. Каттагон залиннинг тепасига шунчалик улкан байроқнинг тортилиши, «ЎЗБЕКИСТОН БУ, ЎЗБЕКИСТОН!» деб тургандай бўлди, мента.

Дарвоқе, спорт реклама соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб турнир давомида қилган туристик рекламаларни кўрган меҳмонларда шу диёрга яна бир бор келиш нияти туғилганига ишонаман.

**«Халқ сўзи» мухбири Озод БЕК ёзиб олди.**

(Мусобақа натижалари билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз).



байроғи кўтарилди. Бу тадбир ҳамма жойда бир хил ўтарди. Хисаб эса шунга ҳам ўзига сохилар билан ёлдиноиб, барчани хайратга солидлар. Каттагон залиннинг тепасига шунчалик улкан байроқнинг тортилиши, «ЎЗБЕКИСТОН БУ, ЎЗБЕКИСТОН!» деб тургандай бўлди, мента.

Дарвоқе, спорт реклама соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб турнир давомида қилган туристик рекламаларни кўрган меҳмонларда шу диёрга яна бир бор келиш нияти туғилганига ишонаман.

**«Халқ сўзи» мухбири Озод БЕК ёзиб олди.**

(Мусобақа натижалари билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз).



Нега? Нега?? Нега???

ЛОТЕРЕЯМИ, Ё БОШҚАЧА «ЎЙИН»

Эзгу ниятлар йўлида уюштирилган ён турли хил марафонлар, лотерея ўйинларидан нафақат ташкилотчи, балки жамият ҳам наф қўради.

олди-сотдини натура йўли билан ҳисоб-китоб қилишган. Лекин масаланинг бошқа томони бор.

Хайрон бўласан киши: ким-кимни алдаяпти? Директор бува бу костюмларни бир кийиб қўрганмикан?

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУ ҚАЙСИ БЕКАТ?

Агар қиёслаш жоиз бўлса, йирик шаҳарларнинг, жумладан пойтахтимиз Тошкент транспортини киши танасидаги толалардек беҳисоб томирларда тўختовис оқётган қонга ўхшатиш мумкин.

Хўш, шаҳардаги жомат транспортларида — трамвай, троллейбус ва автобусларда йўловчиларга ҳамма вақт ҳам кўнглидаги деқ хизмат кўрсатиляптими? Юқорида қайд этилган транспортларда ҳайдовчи томонидан бекатлар эълон қилинмайдими. Нега? Ахир, транспорт келиб тўхтаган бекатнинг номи ни маълум қилиш унча қийин эмаску? Бунинг учун қўшимча маблағ талаб қилинмайдими, ош-нон сўралмайдими. Микрофон бўлса бор.

Бундай олиб қараганда бу майда нарсадай туюлса-да, унинг аҳамияти, маъмур-моҳияти катта. Пойтахтга ҳар кун чётдан неча минг одам келиб-кетди. Уларнинг аксарияти шаҳарни яхши билмаслиги мумкин.

Хўш, «Тошшаҳарйўловчтран» Давлат уюшмаси мутасаддилари бунга нима дер эканлар?

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

НЕГА ЎЗ МАХСУЛОТЛАРИ КАМ?

Савдо-сотик, тижорат — муҳим иш. Бу соҳа ходимларининг ҳаётимиздаги ўрни беқиёс. Ҳамма вақт ҳам савдогарлар хурмату иззатда бўлишган.

Катта дўконлар, савдо марказлари қошида, мўъжазгина бўлса-да, ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилса, ҳамма учун қони фойда эмасми! Ҳозирда кичик-кичик қандолатчилик, тикувчилик, дурадгорлик қорхоналари очил ш мумкин эмасми? Нега бу ҳақда мутасаддилар ўйлаб кўришмапти?

С. НУРМАТОВ, ишчи.

ИШ ҲАҚИГА... КАРТОШКА

Фарғона шаҳридаги 3-автокорхонада аввалги йилларга нисбатан ўзгариш борлигидан қувониб ишчилар, ҳайдовчиларга маош тўлашнинг аҳоли қандайдиги билан қизиқди.

Тонганимизни ишчиларга улашяптимиз. Қорхоналарда, ҳўжалиқларда пул йўқ. Бажарган ишларимизга натура ҳолида ҳисоб-китоб қилаёғимиз.

Хар қалай раҳбарнинг тоқирлигига қўйил қилиш мумкин. Ахир ота-боболаримиз ибтидоий жамоа тузумида меҳнатларини,

қилинган танловда биринчи ўринни олганим учун мукофотлашган. Чалиб кўринг, битта пушпақ одамлардан фақат эмас, нуқсон қидириданган бўлиб қолгансиз. Алабиёт ўқувчи қалбига нур олиб киради.

Абдулла Қаҳҳор бошқа гап айтмади. Хайр ҳам демай чиқиб кетди. Утирган жойимда бир замбар лой бўлиб қолавердим.

Домланинг гаплари қанчалик аччиқ, қанчалик «сасиқ» бўлмасин ҳақиқат эди.

дан чиқиб кетди. Фақат фельетонда урилган, журналистлар тили билан айтганда шоҳ қилинган одамлар хотирасидангина қолган.

Кейинчалик эшитишимга қараганда, у газетдан бўшаб кетибди. Менга ҳам кўринмайдилар, матбуотда ҳам.

Мен Қонизар қишлоғига икки-уч марта борганман, содда, самимий ботболлар, леҳқонлари билан кўп гаплашганман.

1965 йилда бошланган олти кўрсалдан иборат «Сариқ девни миниб» романи 1972 йилда яқун топди.

Худойберди бу асар устида етти йил тер тўкиб меҳнат қилди. 1975 йилда эса «Беш болали йнги» романини ёзиб тугатди.

Устоз Абдулла Қодирий бир суҳбатда халқ ҳақоратини Намоз ботир тўғрисида бир роман режалаштириб қўйганини айтган эди.

Худойберди Абдулла Қодирийга насоб қилмаган мавзуга қўл уришга қарор қилди. Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларида бориб Намоз ботирни кўрган кишилар билан суҳбатлашди.

Худойберди асарларини ўрганди. Охири синчковлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини берди.

«Қасоскорнинг олтин бошини билан ниҳоятда ўқинди бир роман дунёга келди. Кўп вақт ўтмай «Ўзбектедсфильм» изловкорлари роман асосида бадавий фильм яратдилар.

Худойберди ўзини иккида урди. Ивлора биттадан роман ё қисса ёзар, ёзилари эса наشريётларда туриб қолмасди.

Нашиётлар Худойберди бу йил қандоқ роман олиб келаркин, деб қутадиغان бўлиб қолди.

Уртанимизда бошқа гап бўлмади. Совуққина хайрлашиб чиқиб кетдим. Шундоқ дилбар бир йигитнинг дили-

МОТУРИДИЙГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида Буюк аллома Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

Жорий йил мамлакатимизда «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Самарқанд вилоят ҳокими қарори асосида «Ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш хайрия жамғармаси» ташкил этилди.

Мгарма ҳисобига турли ташкилотлар ва алоҳида фуқаролардан 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди.

«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 22 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қий-матини белгиляди:\*/

Table with 3 columns: Currency, Unit, Rate. Includes Austriya dollari, Avstriya shillingi, Angliya funti, etc.

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олман.

Қўшхабар ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Мгарма ҳисобига турли ташкилотлар ва алоҳида фуқаролардан 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди.

«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

аҳоли кенг табақалари учун энг замонавий тўлов воситаси бўлган СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ

эгаларига ҳаёт ва саломатликларини бепул суғурталаш имконини беради

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларида 2000 йилнинг 21 февралидан Банк миҳозлари бўлган сўм пластик карточкаларининг эгаларига суғурта васиқалари берила бошланади.

- Сўм карточкаларига эга бўладиган миҳозлар карточка билан бир пайтда суғурта васиқаларини олишади. Агар Сиз сўм карточкасининг эгаси бўлсангиз, суғурта васиқасини олиш учун карточкани берган Банк муассасасига мурожаат қилишингиз зарур.

Қўлингизда суғурта васиқаси бўлсагина, Сиз суғурта бадалини олиш учун мурожаат қилишингиз мумкин.

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимига мурожаат қилинг. Мулоқот учун телефон: (99871) 137-62-83, 137-62-80



ҚОШИМЖОН!

Бу гап, бу хил муомала жон-жонимдан ўтиб кетди. Фельетончиликни мушқоқ ташлаб юбордим.

Худойберди меннинг ёшлигимда, мен қилган ҳаётларни айнан таққорлаб турган пайти эди.

«Аҳолилар қалай, укам? — дедим нимадан гап бошлашимни билмай.

Устоз тортмасидан ўнгача ҳар хил ёрликларни, дастур-молга тўпалдан қўзичоқнинг илгиликдек бир нарсани аллақандай мақтанниш билан столга қўйди.

Билсангизми, бу нима? Бу кумуш хуштак.

қайтаришининг бирдан-бир йўли Абдулла Қаҳҳор услуби эди.

Худойберди жуда одобли, маданиятли, майин йигит. Дил-дини оғритим келмади.

Биласанми, мен икки юздан ортиқ фельетон ёзганман. Қани улар? Ҳамманинг ёди-



тан бўлиб қолади.

Ҳали узоқ гапирмоқчи эдим, гапларимнинг даромадини сезган Худойберди бевозталанди қолди.

— Тушушимди, домла. Нима демократинингизни тушундим. Фельетон ёзавериб ҳикоядан қўлим чиқиб кетибди. Бир ҳикоя бошланган эдим, сира тугатолмаган.

— Тушушган одамга тушунириб ўтиришининг ҳождати йўқ. Энди буёғи ўзингизга ҳавола.

Уртанимизда бошқа гап бўлмади. Совуққина хайрлашиб чиқиб кетдим. Шундоқ дилбар бир йигитнинг дили-

ни оғритганимдан қийиндим. Кимдир бу гапни айтиши керак эди.

Шу воқеадан кейин газетани кўзатиб юрдим.

Кейинчалик эшитишимга қараганда, у газетдан бўшаб кетибди.

Орадан бирон йил ўтиб унинг Фарғона кишиларига бағишланган очерклар туркуми эълон қилинди.

«Кўнизар» қишлоғининг аjoyиб кишилари ниҳоятда самимий бир қайфиятда тасвирланган эди.

Мен Қонизар қишлоғига икки-уч марта борганман, содда, самимий ботболлар, леҳқонлари билан кўп гаплашганман.

1965 йилда бошланган олти кўрсалдан иборат «Сариқ девни миниб» романи 1972 йилда яқун топди.

Худойберди бу асар устида етти йил тер тўкиб меҳнат қилди. 1975 йилда эса «Беш болали йнги» романини ёзиб тугатди.

Устоз Абдулла Қодирий бир суҳбатда халқ ҳақоратини Намоз ботир тўғрисида бир роман режалаштириб қўйганини айтган эди.

Худойберди Абдулла Қодирийга насоб қилмаган мавзуга қўл уришга қарор қилди. Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларида бориб Намоз ботирни кўрган кишилар билан суҳбатлашди.

Худойберди асарларини ўрганди. Охири синчковлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини берди.

«Қасоскорнинг олтин бошини билан ниҳоятда ўқинди бир роман дунёга келди. Кўп вақт ўтмай «Ўзбектедсфильм» изловкорлари роман асосида бадавий фильм яратдилар.

Худойберди ўзини иккида урди. Ивлора биттадан роман ё қисса ёзар, ёзилари эса наشريётларда туриб қолмасди.

Нашиётлар Худойберди бу йил қандоқ роман олиб келаркин, деб қутадиغان бўлиб қолди.

ган бўлса, 1985 йили «Ширин қовулар мамлакат» романини олиб келди.

Шуни ҳам айтиш керакки, унинг романи бир йил, икки йил ичида бошқа тилларга таржима қилиниб, қарлош халқлар болаларининг ҳам севимили китоби бўлиб қолди.

Кейинги ўн беш йил давомида мамлакатда туризмнинг ривожланиши бошқа мамлакатлар ҳаёти билан таънишшимизга катта имкон яратди.

Олимлар, ёзувчилар, журналистлар, албатта, борган мамлакатларидан китоб дўконларига қирадишлар.

«Сариқ девни миниб» романи «Ўқувчи», «Мўнхуз» китоблари қаторида сотиляганини айтдишлар.

Бу албатта Ўзбек адабиётининг чет элларда ҳам машҳур бўлиб бошлаганидан дарак беради.

Худойберди Тўхтабос бу-гунги кунда Ўзбек болалар адабиётининг забараст вақлига айланди.

Уни мамлакатимиздаги жамик китобсебар болалар яхши билишади.

Унинг катта-кичик баробар манзур бўлган китобларини қўлдан қўймай ўқийдилар.

Худойберди болалар адабиётининг ҳам ривожига қўшган катта ҳиссаси учун «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлди.

Давлат мукофоти билан тақдирланди. Худойбердининг ижоди, асарлари мактабларда ўрганилмоқда.

Ҳозир 5-6-7-синф дарсликларидан бир неча соат мобайнида болалар ўзларининг севимили ёзувчилари, унинг аjoyиб-гаройиб ҳақоратлари билан учрашиб турибдилар.

Унинг ҳозир авай қўчага тўлган пайти, у қанчалар қанча ижодий режалар билан ишаётган истеълодли заҳматкаш ёзувчидир.

Қўзичоқнинг илк сўягидек кичкинагина кумуш хуштак эди Худойбердига ижодининг бошланги давридан бир эсалик бўлиб қолди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Ташкилий-услубий ишлар ва компьютер-ахборот бўлимига: бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди); катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди); кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз); 2. Ногиронларни касбий йўналтириш ва психологик реабилитация бўлимига: бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди); катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди); кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-3 ўрин; 3. Ички касалликларда ногиронларни реабилитация қилиш бўлимига: бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди); катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди); кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-3 ўрин; 4. Асаб ва кўз касалликларида ногиронларни реабилитация қилиш бўлимига: бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди); катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди)-невропатолог; катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди)-офтальмолог; кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-3 ўрин; 5. Ортопедик-жарроҳлик касалликларида ногиронларни реабилитация қилиш бўлимига: бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди); катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди); кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-3 ўрин; 6. Тиббий-ижтимоий экспертиза бўлимига: бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди); катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди)-терапевт; катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди)-жарроҳ; кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-терапевт; кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-жарроҳ; кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-невропатолог; кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-невропатолог;

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар 1 ой давомида қабул қилинади: Марказ Бош директори номига ариза; шахсий варақа; таржимаи ҳол; тавсифнома; илмий ишлар рўйхати (3.3 шаклда); фотосурат (4x5) -4 дона; диплом нусхаси; илмий унвон ва даражаси тўғрисидаги диплом нусхаси; паспорт, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади. Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700052, Раим Солиев кўчаси, 5-а уй.

МАРДЛАР БЕЛЛАШАР
БУ МАЙДОНАРО

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири нихоясига етди

Бу галги турнир ҳар қачонгидан зўр бўлди. Спорт журналистлари, узоқ-яқиндан келган мутахассисларнинг мусобақа ҳақидаги яқин фикри ана шундай. Зеро, турли йилларда ўтказилган Олимпиада ва жаҳон, Европа ва Осиё чемпионати гойибларининг Тошкентга ташриф буюриши, мурасасиз беллашувлар, турнирнинг юксак савияда ташкил этилиши бу эътирофнинг асоси эди.

Алоҳида таъкиллайдиган яна бир томони, «Мустақиллик кубоги» эндиликда Олимпиада ўйинларига саралаш ўтказиладиган бешта нуфузли турнир қаторига кирди. Ана шу бешта халқаро мусобақада энг катта балл тўплаган спортчилар Сиднейга йўл олишди. Айни кунгача республикамизнинг икки вакили — Дилшод Орипов ва Баҳодир Қурбонов жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштироки учун Олимпиада йўланмасини нақд қилиб қўйишган.

Бу йилги «Мустақиллик

кубоги»да дунёнинг 42 давлатдан ташриф буюрган энг таъинли полвонлар 8 вазн тоифасида гойиблик учун баҳс бойлашди. Унда мамлакатимиз вакиллари ҳам муваффақиятли катнашди, дейишга ҳақлиқмиз. Зеро, Олимпиада ва жаҳон чемпионати гиламга чиққан бундай мусобақада 3 нафар полвонимизнинг ярим финалга йўл олиши ҳазилакам гап эмас.

Юнон-рум курашидаги энг енгил — 54 килограмм вазнда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Шамсиддин Худойбердиев олтин медаль учун бўлган финал беллашувида хитойлик Ванг Ху Ай билан гиламга чиқди. 33 ёшли полвонимиз мухлисларнинг тинимсиз ҳайрига остида ўз маҳоратини намойиш этишга ҳаракат қилди. Аммо омад хитойлик спортчи томонда бўлди, Ванг Ху Ай 4:2 ҳисобида галабага эришди. Шамсиддин эса турнирнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Навбатдаги — 58 килограмм вазн тоифасида арманстонлик Карен Минасакян ва

Алехан Степанян (Украина) дастлабки босқичларда барча рақибларининг курагини ерга теккизиб, финалда ўзaro рўбарў келишди. Учрашунинг асосий вақтида гойиб аниқланмади. Қўшимча вақтда арманстонлик спортчининг қўли балинд келди.

63 килограмм вазнда польшалик Владимир Завадскийни мағлубиятга уратган Николай Монон (Россия) олтин медаль соҳибига бўлган бўлса, 69 килограмм вазн тоифасида биринчи ўрин озарбайжонлик Исман Догучиева насиб этди. У финалда туркиялик Мамут Алтайнинг курагини ерга теккиздди.

Шундан сўнг финалгача етиб келган яна бир Ўзбекистонлик спортчи — Евгений Ерофайлов корейлик Ким Жим Соо билан биринчи ўрин учун баҳс бойлади. Аммо Евгенийнинг биргина хатоси қимматга тушиб, рақиб спортчи бунинг учун олдин 3 очко, кейин яна бир очко қўлга киритди. Бу ҳисобнинг галаба учун етарли эканини билган Ким Жим Соо фақат вақт

ўтказиш билан овора бўлди. Натижада ҳамюртмиз кумуш медаль билан чекланди.

Финал беллашувларининг энг қизиқарлиси украинлик Игор Бутай ва Аанес Фригт (Норвегия) ўртасида кечди. Леонард мусобақа бўлмади. Фригт бор-йўли 3 дақиқаю 21 сонияда рақибининг курагини ерга теккизиб, соф галабага эришди. 97 килограмм вазнда германиялик Майк Буллман ва Давид Солладзе (Грузия) ўртасидаги баҳсини мухлислар катта қизиқиш билан томоша қилишди. Уларнинг олдинги босқичлардаги ёрқин галабалари бу қизиқишнинг боиси эди. Зеро, иккита кучли спортчининг ўзaro беллашувини томоша қилиш ҳар доим ҳам мароқли. Бу баҳсда грузиялик полвонининг қўли балинд келди. Ана шу вазн тоифасида ҳамюртмиз Алексей Чеглаковнинг бронза медалини қўлга киритганини ҳам алоҳида таъкилламоқ жоиз.

Ва, ниҳоят, энг оғир — 130 килограмм вазн тоифасида швейцариялик Эдди Бенгсон яна бир девқомат полвон Бокер Фотих (Туркия)га қарши гиламга чиқди. Хар икки спортчи ҳам асосий вақтда гойиб бўла олмади. Қўшимча вақтда Бокер Фотих кичик устунликка эришиб олтин медаль эгаллашти.

Шундай қилиб, тўртинчи бор ўтказилган анъанавий халқаро турнир нихоясига етди. Турғирого, у энди тетапога қадамларини залворли одимларга алмаштирди. Юқорида қайд қилганимиздай, беш нуфузли турнирнинг бири бўлиш ҳазилакам гап ёхуд ўз-ўзидан буладиган иш эмас. Ахир, бу турнирларнинг қолган туртурта-си Италия, Франция, АҚШ ва Мисрда ташкил этилади. Ёки



мана шундай мусобақа мезбони бўлишга ҳаракат қилатган давлатлар кам дейсизми?

Уш, Ўзбекистон бунга қандай эришти? Халқаро хаваскорлар кураши ассоциацияси (ФИЛА) мутахассисларининг эътирофи этишча, ўтган йили Тошкентга ўтказилган Осиё чемпионати ҳамда анъанавий бўлиб қолган «Мустақиллик кубоги»нинг юксак савияда ташкил этилиши, спортчиларга ва ҳакамларга яратилган мақтагулик шароит, Ўзбекистонлик курашчиларнинг сўнгги йилларда эришган ютуқлари ФИЛА ана шундай қарорга келишининг асосий сабаби бўлган. Инчунун, қай бир меҳмон билан суҳбатлашманг, мустақилликдан кейин Ватанимизнинг ҳар соҳада эришяётган муваффақиятлари, халқимизнинг меҳмондўстлиги, самимийлиги ва юртимизнинг ўзига хос чиройи, спортга эътибор юксак даражага кўтариладиган тўққизлаб гапиринди.

Чиндан ҳам мамлакатимизда спортга эътибор катта. Зеро, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган соғлом авлод тарбиясида спортнинг ўрни алоҳида. О. РАЖАБОВ, Н. МУҲАММАДЖОНОВ, (Суратлар) «Халқ сўзи» мухбирлари.

Advertisement for Kenwood mobile phones. Text: СИМСИЗ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ, KENWOOD "Лён-М" маҳсулотлари. Includes a photo of a mobile phone.

Advertisement for REAL tea. Text: Ҳақиқий сифат ва лозат рамзи. REAL. Includes a photo of a teapot and tea boxes.



Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий банклар қаторида «Ўтбанк» — Ўзбекистон — Туркия қўшма банки ҳам фаолият кўрсатапти. Унинг ташкил қилинганга олти йил тўлапти. Мазкур банк бошқаруви раиси муовини Камолдин НУРИДДИНОВ ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

ни таъминлаш мумкин. Юртбошимиз, ўз маърузаларида бир қатор банклар орасида бизнинг банкда ҳам капиталлаштириш жараёни суст бораётганини айтиб ўтдилар. Албатта, бу танқиддан тўғри хулоса чиқариб ўшбу жараёндаги

ва корхоналардан тушган аризалар талайгина. Ҳозир бу аризаларни ўрганаямиз. Яқин кунларда уларни ижобий ҳал қилиш ниятидомиз.

«Қувончлис, биз экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ва чет эл

хор икки томон 50 фоиздан ўз улушини кўшганди. Айни пайтда бу сармомияни 2,5 баробар оширишга эришдик. Шуниси эътиборлик, банкимиз чет эл сармомияси билан биргаликда очилган биринчи қўшма банкдир. Бу ерда хизмат кўрсатаёт-

бўлиб, шу кунларда уларга кредит бериш йўлларини қидиряптиз. Зарур ҳужжатлар тайёрланапти. Айни чоғда валюта активимиз дастлабки йилга нисбатан икки баробар ортганини таъкиллаб ўтиш жоиз. Табиийки, биз бу ютуқларимиз

жалб қилиш имкони ортади. Ёш, иқтисодий туркираб ўсаётган мамлакатимиз учун бунинг аҳамияти беқиёс. Чунки бизнинг бўлимларимиз Ўзбекистонда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар сонининг кўпайишига ёрдам беради. Бундай турдоғи маҳсулотлар ҳажми кўпаяди. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилиб, экспорт ҳажми кенгайди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий салоҳиятимизнинг ошишига ҳисса қўшади.

«ЎТБАНК»: ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

ибарот эди. Айни пайтда 1530 ҳуқуқий, 1196 жисмоний шахс доимий мижозларимиздир. 37 та чет эл банкларида ҳисоб рақамимиз мавжуд. Германиянинг «Дойчебанк», Туркиянинг «Зироат» банки, унинг Англиядаги бўлими, Ўзбекистоннинг Марказий ва ташқи иқтисодий фаолият банклариди вакиллик корреспондентлик ҳисоблари шулар жумласидандир. Бу ҳисобларга қўшма банкдан 24 соат ичида тўлов операциялари ўтказиб берилди ва уларнинг йўқолиб кетмаслиги тўлиқ кафолатланади. Бунинг қўлайлиги шундаки, ўшбу маблағлар мижозларга зарур бўлганда шу ҳисобдан дунёнинг исталган нуқтасидаги ҳисоб рақамларига қисқа муддатда ўтказиш ёки уларни бизнинг ҳисобга келиб тушиши-

ишларимизни ҳам қайта кўриб чиқамиз. Биз бошқа банклардан фарқи ўлароқ, ўз мижозларимизга валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишда бир қанча янгиликлар яратганмиз. Масалан, компьютер тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги ва хизматчиларимизнинг ўз соҳасини пухта билишлари боис мижозлар навбат кутиб қолишмайди. Иш соатимиз ҳам бошқа банклардаги сингари кундуз соат 12.00. гача эмас, соат 16.00. гача давом этади. Шунинг учун бизнинг хизматимиздан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. 1999 йилда хусусий тадбиркорлар ва ёрдам сўраб мурожаат қилган корхоналарга 291 миллион 597 мўнғ сўмлик кредит бердик. Бу йил ҳам хусусий тадбиркорлар

банклари билан ҳамкорлик қилиш борасида республика банклари орасида олдинги ўринлардами. Халқаро SWIFT (компьютер тармоғи орқали тўловларни амалга оширишни автоматлаштириш тизими) уюшмасига аъзо бўлганимиз эса ўз навбатида қўшма банк томонидан кўрсатилаётган хизматларни кенг қўламда бўлишига имкон бераётди. Жумладан, халқаро тўловларнинг дунёдаги барча банклари орқали тез ва ишончли ўтишида SWIFT нинг хизмати катта бўлмоқда. Дастлабки пайтда банкнинг умумий сармомияси икки миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бунга

ган мутахассисларнинг бир қисми Туркия Республикаси вакиллари бўлса, қолган қисмини ўзбекистонликлар ташкил этади. Улар ҳам Туркиянинг Истанбул, Измир ва Анкара шаҳарларида таълим олишган, хорижий тилларни яхши билишди. Ўтган йиллар довомидидаги фаолияти мобайнида эса банк тизимидида ишлаш учун бўлган зарур малакани эгаллашди. Яқинда янги биного кўчиб ўтамиз. Албатта бу ерда мижозларимиз учун барча қўлайликлар яратилган. Банкимиз ўз мижозларига энг юқори ва тезкор хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Хусусан, бу ерда валюта билан боғлиқ

лакатимизда фаолият кўрсатаётган «Добра-Ташкент», «Айлин Ёзда Санайиш» шубба корхоналари, «Империал» қўшма корхонаси сингари қатор қўшма корхоналар, «Турк хаво йўллари» ва «Эрон-эйр» авиакомпаниялари ҳамда «Нурэфшон» хорижий фирмаси авиакомпанияси ва яна бошқа кўпгаб хорижий корхоналар бевосита бизнинг хизматимиздан фойдаланишди. Ўтган йили «Империал» корхонасига 20 миллион сўм, «Мегаофсет» корхонасига 10 миллион сўм, терини қайта ишлаб чиқариш корхонасига 20 миллион сўм, кишимини қайта ишлаш корхонасига 85 миллион сўм кредит бердик. Қўшма банкимизда, шунингдек, 169 та хусусий тадбиркор ҳисоб рақами очган

билан чеклиниб қолмаймиз. Ўз фаолиятимиз кўламини йўқолиш кенгайтириш йўлида изланишлар олиб бораёмиз. Юртбошимизнинг бу сўзлари мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир банк ходимига дахлдордир. Биз ана шу фикрлардан хулоса чиқариб, тадбиркорларга, барча мижозларга мададкор бўлишга интиламиз. Биз барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қўшма банкнинг бўлимларини очишни режалаштирган эдик. Турли сабабларга кўра бу мўлжалимиз амалга ошмай қолганди. Яна бу хусусда ўйлаб кўришнинг вақти етди, деб ўйлайман. Ана шу ишлар амалга ошса, бизнинг банкимиз ишбилармонларнинг сармомияларини республикамизга яна кўпроқ

Тошкент давлат юридик институти ректорати ва жамоаси. Институт «Фухаролик ҳуқуқи» кафедраси катта ўқитувчиси Абдуваҳоб Турметбаева волида муҳтарамаси Анаора ая ТУРАЕВАНИНГ бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент юридик коллежи жамоаси коллежининг фан туркуми ҳайъати раиси Озода Акрамовага сийғисли Маҳмулда ЮЛДАШЕВАНИНГ бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ҳамда журналистика факультети жамоаси оммавий алоқалар ва реклама кафедраси катта ўқитувчиси Сангин Жабборова волида муҳтарамаси Мирраббо АХТАМОВАНИНГ бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Устозода» халқ санъати усталари корхонаси раҳбарини ва жамоаси. Давлат мукофоти лауреати, халқ амалий санъати устаси Райимберди МАТЧОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-сига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Уларрандасаноат» уюшмаси раҳбарини ва жамоаси Қўриб тўғилган «Жоний» паррандачилик ҳиссдорлик жаъмияти раиси Судутовни Атеговга укаси УРОЗНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти ректорати ва жамоаси. Институт «Фухаролик ҳуқуқи» кафедраси катта ўқитувчиси Абдуваҳоб Турметбаева волида муҳтарамаси Анаора ая ТУРАЕВАНИНГ бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Уларрандасаноат» уюшмаси раҳбарини ва жамоаси Бўстонлик туманидаги «Ўзобой» паррандачилик ҳиссдорлик жаъияти соҳиб раиси Нисқанор АНВАНИНГ вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Text: МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Text: Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Мухиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худойберов, И. Шоғулмолов, О. Қайиббериев (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Text: Рўйдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 106. 27017 нусхада босилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Text: МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов.